

«Ҳилол» номли янги илмий-маърифий журнал нашрдан чиқади



09:56 / 10.04.2019 2828

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари сафига яна бир янги нашр қўшилди: «Hilol-nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси муассислигида «Ҳилол» илмий-маърифий, ижтимоий-адабий журнали нашр этила бошланди. Журнални нашр этиш ғояси атоқли олим, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳга тегишли бўлиб, у киши бошлаган катта илмий-маърифий ишларнинг узвий давоми саналади. «Соф Ислом маърифатини кенг ёйиш» шиори остида ўз фаолиятини бошлаган журналга динимиз таълимотларини ёритувчи зарур маълумотлар, маърифий суҳбатлар, амри маъруф ва наҳйи мункар қилиш асосида катта ислохотлар қаршисида турган халқимизга соф Ислом таълимотларини тушунтириш, мусулмонлар маърифатини оширишга ҳисса қўшиш вазифаси юкланган.

Журналнинг илк сониди «Тафсир», «Фикҳ», «Саҳобалар ҳаёти», «Дунё олимлари эътирофи», «Насихат», «Фарзанд тарбияси», «Аёллар саҳифаси», «Адабиёт», «Машҳур масжидлар» каби ўнлаб рўкнлар остида Ислом дини таълимоти ва мусулмонлар ҳаётига оид кўплаб қизиқарли материаллар эълон қилинган. Айниқса, машҳур араб олими шайх Муҳаммад Аввоманинг «Бу юртнинг илмга садоқатига гувоҳимиз!» номли мақоласи, Нақшбандия

тариқатининг йирик намояндаларидан бири Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратларининг аёлларга эр билан муносабатларни яхшилаш борасида қилган насиҳатлари, фарзандлар қалбида Аллоҳ таолога муҳаббат уйғотиш йўллари ҳақидаги мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Ҳар бир нашр ўз ўқувчиларининг муҳаббатини қозониш, уларнинг қалбига етиб бориш ва ўзаро мулоқотни кучайтириш орқалигина эътибор топади, оммалашади. Шу боис таҳририят ўқувчиларга мурожаат қилиб, журнал билан мунтазам ҳамкорлик қилиш, қимматли тавсия-маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари билан журнал фаолиятида иштирок этишга чорлайди.

Янги журнал мамлакатимизнинг барча мусулмонларига муборак бўлсин, унинг қадами қутлуғ келсин! Кўп йиллар давомида халқимизга буюк Аллоҳни танитиш, умумбашарият учун фойдали бўлган динимизнинг барча нодир, эзгу фазилатларини баён этиш, одамларимиз иймон-эътиқодини янада мустаҳкамлаш, уларга дин арконларини ўргатишда энг яхши ҳамкор ва йўлдош бўлишини Аллоҳнинг Ўзи муваффақ айласин!

Islom.uz портали таҳририяти